

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси”
давлат унитар корхонасида ISO 37001:2016 халқаро стандарти
жорий этилди**

Коррупция дунё мамлакатларидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, у жиддий ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар келтириб чиқаради ҳамда давлат органлари фаолиятига таъсир кўрсатади ва ривожланишига тўсқинлик қилади.

ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш тизими” халқаро стандартининг ишлаб чиқилишини глобал миқёсда коррупцияга қарши курашишда муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин.

ISO 37001:2016 – бу корхонада коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усуллари ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6013**-сонли Фармонининг 3-бандида, ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартини қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатиш вазифаси қўйилган.

Фармон талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш тизими” халқаро стандарти талабларини жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (*комплаенс-назорат*) жорий этилди.

Дастлаб, корхонанинг **16-нафар** масъул ходимлар ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти талаблари бўйича махсус курсларда ўқитилди.

Малакали мутахассис сифатида “**Alfakon Systems**” масъулияти чекланган жамиятидан маслаҳатчи жалб этилиб, жарённинг “Йўл харитаси” тасдиқланди ва ижроси босқичма-босқич амалга оширилди.

Давлат харидлари жараёнларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, корхонанинг ички норматив-ҳужжати яъни **Низоми** ва **Сиёсати** тасдиқланди.

Корхона томонидан имзоланадиган барча шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида бандлар киритилди.

Номзодларни танлаш, ходимларни лавозимларга тайинлашда малака комиссияси фаолияти йўлга қўйилди ва комиссия жараёни

видеоёзув тарзида олиб бориш йўлга қўйилди, шу билан бирга, корхонанинг расмий вебсайтида бўш иш ўринлари саҳифаси очилди.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш масалаларини тартибга солувчи жами **13 та** ички норматив-ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, “Корхонанинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти”, “Корхона ишчи-ходимлари одоб-ахлоқининг қоидалари”, “Совғалар ва вакиллик харажатлари тўғрисида”ги низом ва бошқа ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 24.09.2022 йилдаги 21/8-сонли қарори билан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид **10 та** ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро учун қабул қилиниб, амалиётда уларга асосланган ҳолда иш ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида, мунтазам ўқув-семинарлари ташкил этилиб, жами **721 нафар** ходимларнинг бу борадаги билимлари синовдан ўтказилди.

Халқаро стандарт талабларига мувофиқлиги юзасидан корхонанинг таркибий тузилмаларида ички аудит текширувлари ўтказилиб, коррупциявий хавф-хатарлар аниқланиб, **юқори, ўрта, паст** даражаларга баҳоланди.

Коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган таркибий тузилмаларда комплекс текширувлар ўтказилиб, уларни минималлаштириш бўйича зарур чоралар-тадбирлар кўрилди.

Корхонада Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини жорий этиш бўйича “**CERT International**” МЧЖ (*менежмент тизимини сертификациялаш бўйича орган*) томонидан сертификациялаш аудити муваффақиятли ўтказилди ҳамда аудит натижасига кўра, корхонанинг ISO 37001:2016 халқаро стандарт талабларини қўллашга мувофиқлиги тасдиқланди.

2023-йилнинг 22-февраль куни “CERT International” МЧЖ томонидан корхонага **ISO 37001:2016** халқаро стандарт сертификати топширилди.

ISO 37001:2016 сертификатини олиш орқали корхона ўзининг ҳамкорларига, давлат идоралари ва бошқа манфаатдор шахсларга коррупция ҳолатларини олдини олиш, аниқлаш ҳамда бартараф қилиш учун зарур бўлган барча чораларни халқаро стандартларга мувофиқ амалга ошираётганини кўрсатади.

